

# РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда «Инсон қадри учун, инсон бахти учун» деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли халқимиз фаровонлигини ошириш, кўпмиллатли жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарилмоқда.

Буларнинг барчаси бағрикенглик, саховат ва шукроналик тимсоли бўлган муборак Рамазон ойини мамлакатимизда тинч-тоғув, файзли ва шуқушли муҳитда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни эл-юртимиз ўртасида инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжманд шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айна кунларда янада яққол намоеён бўлаётгани ҳам тасдиқлайди.

Улуғ айём – муқаддас Рамазон Ҳайитини ана шундай хайрли ишларни изчил давом эттирган ҳолда ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, ўтказиш ва унинг моҳиятида мужассам бўлган эзгу қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этиш мақсадида қарор қилман:

1. Жорий йилда Рамазон Ҳайитининг биринчи куни **30 март – яшанба** кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **2025 йил 30 март** куни Рамазон Ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ:

а) ишланмайдиган байрам куни ҳисобланувчи Рамазон Ҳайитининг биринчи куни **2025 йилда яшанба** – дам олиш кунига тўғри келиши

муносабати билан ушбу дам олиш куни **31 март** – душанба кунига қўчирилиши;

б) бунда ишлаб чиқариш-техник ва ташкилий шароитлар (мавжуд узлуксиз ишлаб чиқариш, аҳолига ҳар кунги хизмат кўрсатиш, навбатчилик асосида ишлаш ва бошқалар) туфайли ишланмайдиган байрам кунлари тўхтатиб қўйиш мумкин бўлмаган ишларни бажаришда дам олиш кунлари кўчирилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон Ҳайитини халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм кўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон Ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида кулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон Ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Қ.Давлатов зиммасига юклансин.



## МИЛЛИЙЛИКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

► 5



## «ЁРУҒ ЮЛДУЗЛАР»

► 8

2025-yil  
27-mart  
payshanba  
№37-38  
(5102)

# Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ўзбекистон касабалари Федерациясида Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг видеоконференца-алоқа шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касабалари Федерацияси раиси, Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.



# АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЭЗГУ ИШЛАР

миллионлаб опа-сингилларимиз ҳаётига ёруғлик ва розилик олиб кирмоқда

Видеоселектор йиғилишида Марказий студиядан Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева, Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳқамова, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон касабалари уюшмалари Федерацияси ва тармок касабалари уюшмалари Республика кенгашлари масъуллари, ҳудудий студиялардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари мусасаддилари, туман ҳокимлари, республика комиссиясига аъзо бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон касабалари уюшмалари Федерациясидан ҳудудларга бириктирилган масъуллар ва Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Президентимизнинг жорий йил 14 март куни қабул қилинган «Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичига киритилган 1 миллион нафардан зиёд хотин-қизга белгиланган амалий ёрдамларнинг ўз вақтида берилишини ташкил этиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар муҳокама этилиб, долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева масъуллар олдида давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишларида берган топшириқлари ижросини сифатли бажариш бўйича тегишли вазифаларни қўйди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Президентимиз мазкур йўналишлардаги ишларни амалга ошириш механизмларини аниқ белгилаб берганлар.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 7 март куни Халқаро хотин-қизлар кўмитага бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда мамлакатимиздаги хотин-қизлар учун қатор имконият ва имтиёزلарни эълон қилиб, жорий йилда амалга оширилаётган муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Шунингдек, «2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади», дея таъкидлаб, масъулларга 2 миллион нафар аёлнинг бандлигини таъминлашни топширдилар. – деди, жумладан, Қудратилла Рафиқов. – 2 миллион аёлнинг банд бўлиши амалда 2 миллион оила, яъни камида 8 миллион нафар аҳолининг турмуш фаровонлиги ошади ва давлатдан рози бўлади, деганидир.

Йиғилишда эътироф этилганидек, 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга Марказий банк

ва тижорат банклари масъул этиб белгиланган. Жумладан, «Миллий банк» хизматлар соҳасида камида 200 минг нафар хотин-қизнинг лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашади. «Туронбанк» эса 150 минг нафар аёлга лимончилик орқали даромад топиши учун арзон кредитлар тақдим этади. «Микрокредитбанк» паррандачилик соҳасида 160 минг нафар, «Саноат курилиш банки» сабзавот ва кўчатлар етиштириш йўналишида 160 минг нафар, «Халқ банки» узум, брокколи ва маҳаллий қарам етиштиришда 150 минг нафар, «Агробанк» боғдорчилик йўналишида 144 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиши белгиланган. Шунингдек, «Бизнесни ривожлантириш банки» кўкат, булғор қалампир, бақлажон ва помидор етиштириш соҳасида 94 минг, «Асакабанк» фармацевтика ва узумчиликда 82 минг, «Алоқабанк» IT (АйТи), асаларичилик ва мевали экинлар етиштириш бўйича 58 минг нафар аёлнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашишлари лозим. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссияси томонидан эса «Аёллар дафтари» орқали 636 минг нафар опа-сингилларимиз бандлиги таъминланади. Бундан ташқари, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга қўмаклашиш ишларини ташкил этади.

Анжуманда Республика комиссияси аъзоларига мазкур йўналишлардаги кенг қамровли ишларни самарали амалга ошириш механизмлари батафсил тушунтирилиб, аниқ ва манзилли чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, масъуллар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини изчил амалга ошириш, мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш тизимини юритиш ва мувофиқлаштириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш, уларнинг сифатли таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига қўмаклашиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бунинг учун мотивацион семинарлар, турли маданий-маърифий, туризм ва спорт тадбирлари, фестивал ва конференциялар ташкил этиш, оилалар ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича вазифалар

ҳам кўрсатиб ўтилди. Тижорат банклари мутасаддиларга 1 миллион 300 минг нафардан ортик хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш бўйича ишлаб чиққан режалари билан йиғилганларни таништирди.

Машварат кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала – «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичини юқори савияда амалга ошириш борасида олдинда турган долзарб вазифалар ҳам муҳокама этилди. Қайд этилганидек, эндиликда «Аёллар дафтари» тизими ижроси бўйича вилоят, туман, маҳалла даражасида иш олиб борилди. Бундан буён «Аёллар дафтари» тизимини юритишда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ҳудудий бошқармалари ва «маҳалла еттиллиги»нинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Таъкидлаш зарурки, «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичи жорий йилнинг январь ойидан бошланган. Январь-февраль ойлари давомида 9 минг 453 та маҳалланинг ҳар бирида касабалари вакиллари ва «маҳалла еттиллиги» томонидан хонадонма-хонадон юриш орқали 7,7 миллион нафардан зиёд хотин-қизнинг муаммолари ва ижтимоий аҳоли махсус сўровнома асосида «фуқаробой» ўрганилди. Бунинг натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар аниқланиб, бир миллиондан ортик эҳтиёжманд хотин-қизлар «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичига киритилди. Жумладан, уларнинг 636 минг нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз, 34 минг нафари тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд, 130 минг нафари боқувчисиз бўлмаган, 162 минг нафари ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд, 6 минг нафари уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож, 57 минг нафари қарамоғида ногиронлиги бор фарзанди бўлган эҳтиёжманд, мингдан ортиги томир касасидан унумли фойдаланиш учун ёрдамга муҳтож хотин-қизларни ташкил этади.

Аёллар дафтарига киритилган мазкур хотин-қизларнинг ҳар бири учун индивидуал дастур ишлаб чиқилди. Ушбу ишлар маҳаллалардаги еттиликлар, касабалари уюшмалари, ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудлардаги вакилларидан иборат 80 минг нафарга яқин масъуллар иштирокида амалга оширилди.

Йиғилишда «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичига киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга тегишли амалий ёрдамларни кўрсатиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги асосий вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, «Аёллар дафтари»га киритилган 636 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш,

қасб-хунарга ўқитиш, субсидиялар ажратиш каби йўналишларда уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш бўйича манзилли режа ишлаб чиқиш, 34 минг нафар тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизга кредит ажратиш ва уларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ишларини ташкил этиш, ушбу хотин-қизларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ҳамда кредит олгандан сўнг уларни оёққа тургунча қўллаб-қувватлаш бўйича масъуллар олдидаги вазифалар белгиланди.

Анжуманда бу борадаги ишларда ҳеч қайси эҳтиёжманд аёл четда қолиб кетмаслиги зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, «Аёллар дафтари» Низомига мувофиқ 21 турдаги хизматлар дафтарига киритилган барча хотин-қизларга кўрсатилиши мумкинлиги қайд этилди. Жумладан, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар барча хотин-қизларга кўрсатилиши мумкин.

Таъкидланганидек, касабалари уюшмалари ҳудудларга бириктирилган масъуллар жойларда хотин-қизларга амалий ёрдам бериш ишларини мувофиқлаштириб борадилар ва ёрдамларнинг ҳаққонийлигини жойларга чиққан ҳолда ўрганадилар. Республика комиссияси қар йили «Аёллар дафтари»га киритилган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 50 минг нафарини Тошкент вилоятидаги дам олиш масканларига юбориб, уларга психологик ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этиб боради. Саёҳат давомида хотин-қизлар учун кўнгилочар маданий тадбирлар уюштирилади.

Йиғилишда Қорақалпоғистон студиясидан иштирок этган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қурон Президентимиз томонидан берилган топшириқларнинг нақадар муҳимлигини ва уларни сўзсиз ижро этиш бўйича барча имкониятлар ишга солинишини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида Президентимиз ташаббуслари билан амалга киритилган «Аёллар дафтари» тизими доирасида амалга оширилаётган эзгу ишлар миллионлаб опа-сингилларимиз ва уларнинг оилалари турмуш шароитларини янада яхшилаш, ҳаётга ёруғлик ва розилик олиб киришга қаратилгани, бунинг учун барча масъуллар бор имкониятларини ишга солиши ва яқдиллик билан иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди. Бу йилда барча мутасадди ташкилотларни халқимизни рози қилишдек улкан масъулият бirlаштириб тургани қайд этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,  
Ўзбекистон касабалари уюшмалари  
Федерацияси Матбуот  
хизмати раҳбари

**ФАКТ**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 26 март

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ  
**37 037 ТА**  
БОШЛАНГИЧ  
КАСАБА УЮШМА  
ТАШКИЛОТИДАН,  
26 МАРТ КУНГИ  
МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,  
**27 761 тасида**  
**(75 %)**  
МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА  
ҲИСОБОТ-САЙЛОВ  
ЙИҒИЛИШЛАРИ  
(КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ)  
ЎТКАЗИЛДИ.

# ОЛТИНЧИ БОСКИЧНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ БОР

**ЖАМИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРСИЗ РИВОЖЛАНА ОЛМАЙДИ. ШУ БОИС УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ. БУГУНГИ КУНДА ИЛГАРИ АМАЛИЁТДА СИРА ҚЎЛЛАНИЛМАГАН «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ЮРИТИШ ОРҚАЛИ МИНГЛАБ ХОНАДОНЛАРГА КИРИБ БОРИЛГАНИ БААЙНИ ҲАҚИҚАТ.**

Опа-сингилларимиз ва қизларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, айниқса, эҳтиёжмандларини манзилли қўллаб-қувватлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тан олиш керак, «Аёллар дафтари» уйда ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган минглаб аёлларимиз ҳаётига рўшнолик олиб кирди. «Ҳайт» деган – туяга мадор!» деганларидек, ўзининг нималарга қодирлигини билолмай, тақдирга тан бериб яшаб келган қўллаб хотин-қизларнинг яширин қобилияти шу дафтар шарофати ила юзага чиқди. Улар бугун тадбиркор сифатида нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам ишли қилишмоқда.

Масалан, Оқдарё туманининг Пичоқчи маҳалласида яшовчи Наргиза Қурбоновага бундан беш йил олдин «Келажакда сен тадбиркор сифатида обрў қозонасан» дейишса, бу гапга ишонмаган бўларди. У 2021 йилги ўрганишлар натижасида «Аёллар дафтари»га киритилди. Сўнгра 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига 3 та тикув машинаси сотиб олди. Ўзи сингари ишсиз аёллар ҳамкорлигида чеварликни йўлга қўйиб, тез орада элга танилди.

Зеро, иштиёк ва меҳр билан қилинган ишда барака бўлади. Шунга қўра, аҳоли эҳтиёжига мос маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган чевар яхшигина даромад топди. Кейинчалик фаолиятини янада кенгайтириш ниятида ҳовлисида икки қаватли устахона ҳам барпо этди. Бундан яна 50 миллион сўм кредит олиб, замонавий ускуналар харид қилди. Шу тарихи автомобиллар салони учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир маҳалладаш хотин-қизлардан 8 нафари Наргиза Қурбонованинг ҳеҳида меҳнат қилиб, рўзгорини тебратяпти.

Шу ҳудудда яшовчи Лобархон Нуруллаева «Аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичига киритилган. У ҳам 25 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан оқилона фойдаланиб, ўзидан ташқари яна уч кишининг бандлигини таъминлади. Демократизм, тизимнинг ҳар бир босқичи истеъдодли аёлларга қанот бўлмоқда.

«Аёллар дафтари» тизими йил сайин тақомиллашиб бормоқда. Ҳар бир босқичнинг ўз вазифалари бор. Ҳозиргача навбатдаги олтинчи босқич доирасидаги ишларнинг дастлабки қисми поёнлади. Эндиликда эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг аниқ ва манзилли чора-тадбирлари устида ишлаяпмиз. Шу пайтгача ёрдамга муҳтож аёллар рўйхати шакллантирилиб, амалий ёрдам кўрсатиш параметрлари белгиланмоқда. Бу жараёнда шаффофлик, адолат ва ҳақонийлик тамойилларига амал қилиш устидан кучли жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Айни йўналишдаги барча ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 декабрдаги тегишли қарори ҳамда Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг 14 декабрдаги кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалар асосида олиб борилаётган. Уларга мувофиқ, январь ойида «Маҳалла еттичилиги» ишчи гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй юриш орқали ҳар бир аёлнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва турмуш шароити ўрганилиб, суҳбатлар ўтказилди ва анкета-сўровномалар тўлдирилди. Бу масалага ёндашувни чуқур

таҳлил қилиб чиқишга ҳам улгурдик. Ишчи гуруҳ томонидан вилоятда истиқомат қилаётган 30 ёшдан юқори 843 минг нафар хотин-қизнинг 814,4 минг нафари билан суҳбатлар ўтказилиб, анкета-сўровномалар расмийлаштирилди. Ўтган ойда «Маҳалла еттичилиги» томонидан «Аёллар дафтари»нинг галдаги босқичига киритилган хотин-қизлар рўйхатлари шакллантирилиб, уларнинг коллегиял қарори билан тасдиқланди ва хотин-қизларнинг индивидуал дастурлари ишлаб чиқилди. 104 минг 509 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»нинг олтинчи босқичига киритилиб, кўрсатиладиган кўмак тоифаларига ажратилди.

Хусусан, биринчи тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар 45 минг 249 нафар. Ҳозир уларнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилмоқда. Иккинчи тоифадаги эҳтиёжманд 3 минг 260 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар ажратилиб, истагига қўра, тадбиркорлик қилиши учун кўмаклашилади. Боқувчисини йўқотган 23 минг 841 нафар аёлга учинчи тоифа доирасида бир марталик моддий ёрдам берилди. Уй-жойи таъмирталаб 258 нафар хотин-қиз ҳам эътибордан четда қолмайди. Тўртинчи тоифага мансуб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, ижтимоий ёрдамга, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож 21 минг 621 нафар хотин-қизга ҳам бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган. Ушбу тоифага киритилган 113 нафар аёлнинг уй-жойини таъмирлашга ҳам кўмаклашилади. Хусусий уйи бўлмаган, тураржойига муҳтож 336 нафар хотин-қиз бешинчи тоифадан ўтган олинган. Уларнинг 76 нафари уй-жой билан таъминланиб, 260 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди. Олтинчи тоифага мансуб қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор, эҳтиёжманд хотин-қизлар 10 минг 202 нафар бўлиб, улар ҳам бир марталик моддий кўмак олишади. 155 нафарига эса томорқадан унумли фойдаланиши учун ёрдам берилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватланадилар. Шунинг баробарида тиббий ёрдамга муҳтожлари стационар, амбулатор доволашни имкониятига эга бўлишади. Зарур ҳолларда реабилитация вазосатлари билан таъминланадилар. Бундай аёлларнинг фарзандлари ҳам тиббий ёрдамдан бахраманд бўладилар.

Ўтган даврда дафтарга киритилган бир гуруҳ аёлларнинг Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳрига саёхатлари ва зиёратларини уюштирдик. Бундай тадбирлар ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Табиийки, вилоятимиздаги аёлларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш, уларга билим ва касб ўргатиш, муаммоларини аниқлаш ва баррафарф этиш борасидаги ишлар самардорлигини таъминлаш бундан кейин ҳам диққат-эътиборимизда бўлади.



Сухроб РАБИКОВ,  
Ўзбекистон  
касаба уюшмалари  
Федерацияси  
Самарқанд вилояти  
кенгаши раиси



# ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛАЁТГАН ПАЛЛА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА 3 МИНГ 130 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. УЛАРГА 549 МИНГ 719 НАФАР АЪЗО БИРЛАШГАН. БУГУНГА ҚАДАР 2 МИНГДАН ОРТИҚ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИЛИБ, УШБУ МУҲИМ ЖАРАЁНЛАРДА 120 МИНГГА ЯҚИН АЪЗОЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Маълум бўлишича, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тармоғида ўтаётган ҳисобот-сайловларда айни пайтда 130 нафардан ортиқ янги раислар иш бошлаган. Аввалги раислар вазифасини топширишига аксариятининг юқори лавозимларга ўтгани сабаб бўлган. Бундан келиб чиқатики, раислар касаба уюшмаларида жамоатчилик билан ишлаб, раҳбарлик лавозимларига мутаносиб ҳолда ўтишлари кузатишмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши таркибида ҳозир 1 минг 541 та бошланғич ташкилот бор. Аъзолар сони эса 112 мингга яқин. Кенгаши раиси Равшаной Газиеванинг маълумот беришича, ҳозир кунига 15-20 тагача таълим ташкилотларида ҳисобот-сайлов бўлиб ўтмоқда. Шу кунгача 1000

дан ортиқ ташкилотга 130 дан зиёд янги раислар сайланган. – Бу йилги сайловлар ўзгача ўтати, – дейди Равшаной Газиева. – Сўнги 5 йил ичида меҳнаткашлар касаба уюшмалари фаолиятини, аҳамиятини тушунишди, меҳнат ҳуқуқлари бузилганида кимга мурожаат қилишни англаб етишди. Бу, албатта тизимдаги шаффофлик ва ишончни йўқотди. Яна бир муҳим нарса шуки, ҳозир раислар иш берувчига ўз фикр ва тақлифларини бемалол айта оляпти, ходимларни қатъий ҳимоя қиляпти. Бунда уларга «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун мустаҳкам таъриф бўлмоқда.

Қувонарлиси, Тошкент вилоятининг 22 та туман ва шаҳар кенгаши раислари орасида етакчи фаоллар, депутатлар ҳам бор. Уларга муқобил равишда 2-3 тадан номзод кўрсатилган.

«Angren shakar» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Йўлдошев ўзи нафақада бўлса-да, 5 йилдан буюн шу вазифани аъло даражада уddалаб келаяётгани сабабли ишчилар хурмат-эътиборини қозонган. Катта-ю кичик уни ўз яқинидек кўриб, мурожаат қилади. Яқиндагина бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғинида 800 нафарга яқин ишчи-ходимлар уни такрор сайлашди.

– Бундан аввал шу ерда техника хавфсизлиги муҳандиси эдим, – дейди Баҳодир Йўлдошев. – 2019 йилда мени касаба уюшма раислигига сайлашди. Асосий вазифамни ҳар бир ишчи-ходимни ўз туғишимдай кўриб, унинг саломатлиги ва манфаати учун қайғуриб ишлашдан иборат деб биламан.

Шу боис раҳбар билан келишган ҳолда, жамоа шартномасига ишчилар манфаатини кўзлайдиган бир неча ўзгартириш киритганмиз. Масалан, биринчи марта турмуш қураётган ходимга никоҳ тўйи муносабати билан БХМнинг 5 баробари миқдорда бериладиган бир марталик моддий ёрдам пули миқдори эндиликда 10 баробар қилиб белгиланди. 50, 55, 60 ёшга тўладиган ходимларга ҳам БХМнинг 10 баробари миқдорда моддий ёрдам бериладиган бўлди. Аздор оиланинг ишлаёт-

ган аъзосига илгариги жамоа шартномасида БХМнинг 10 баробари миқдорда ажратилиши белгиланган бўлса, эндиликда БХМнинг 20 баробари миқдорда ёрдам ва маърака учун бепул автобус ажратилиши йўлга қўйилди. Меҳнаткашлар манфаатларини кўзловчи бундай ишларни яна давом эттириш бўйича режаларимиз бичёр...

Ушбу корхона аъзо бўлган Тадбиркорлик, бизнес ва маърака кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашидаги бошланғич ташкилотлар сони бугунги кунда 320 тани ташкил этади. Ҳозиргача уларнинг 256 тасида ҳисобот-сайловлар ўтказилиб, 41 нафар янги раис танланди.

Тармоқнинг амалий ишларига назар солсак, ўтган йилдан шу кунга қадар тадбиркорларга санаторий ва сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаши учун 400 тага яқин йўлланма ажратилган. Хоразм, Самарқанд вилоятларига 200 нафарга яқин тадбиркорнинг саёхатлари уюштирилди. 300 нафардан ортиқ ўғил-қизлар «Ниҳол», «Афсона», «Геолог», «Қуёшли» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашида эса 89 та бошланғич ташкилот мавжуд. Бугунгача уларнинг 83 тасида ҳисобот-сайловлари ўтказилган. 5 нафар раис янги сайланган.

– Тошкент вилоятида ҳозиргача қадар ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтган 2000 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари аъзоларнинг фаоллиги яққол кўзга ташланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти Кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири Шоҳжаҳон Зокиров. – Бу, аввало, тизимга бўлган ишонч, қолаверса, иш жойида зарур шароитлар яратилиши ва унумли ишлаш мумкинлигига амин бўлган аъзолар ҳаракатини англади. Навбатдаги сайловларда ҳам энг муносиблар сайланишига ишонамиз.

Ҳозир барча ташкилот ва муассасалардаги касаба уюшма раислари учун ҳақиқий синов даври, яъни ғалвир сувдан кўтарилаётган палла. Яқинда эса энг билимли, омма билан ишлай оладиган, ҳамкасбларига чин дилдан жонқуярлик қиладигани қолади. Шундай экан, одамларнинг оғирини енгили қилиш, уларга камарбаста бўлишдек масъулиятли вазифа залворини ҳис қилган ҳолда бу ишларга астойдил киришиш мақсадга мувофиқдир.



Холiza  
ЭГАМБЕРДИЕВА  
«ISHONCH»

# ФАОЛИЯТ ҚОНИҚАРЛИ ДЕБ БАҲОЛАНДИ



«Худудгаз Навоий» газ таъминоти филиалида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда делегатлар, шунингдек, «Худудгазтаъминот» АЖ бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Шоназар Аҳмедов, қатор ташкилотлар масъул вакиллари ва газ таъминоти филиали ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияда филиал бошланғич касаба уюшмасининг 2020 йилдан 2025 йилгача бўлган фаолияти, иш берувчи вакили ҳамда тафтиш комиссияси ҳисоботлари тингланди. Сўзга чиққанлар ҳисобот даврида ходимларни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган ишларни эътироф этишди. Касаба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолияти эса қо-

ниқарли деб баҳоланди. Кўмита аъзоларини сайлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш, комиссия аъзоларининг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган конференцияда касаба уюшма кўмитаси раислигига Равшан Қўзиев сайланди. Сўнгра касаба уюшмаси кўмитаси ва тафтиш комиссияси аъзоларининг янги тар-

киби, «Худудгазтаъминот» АЖ Бирлашган касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига уч нафар делегат ҳам сайланди.

Алишер РАҲМАТОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори





## ЯШИЛЛИККА ДАХЛДОРЛИК

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йили деб эълон қилиниши юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш ва яшил иқтисодиётга ўтишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йил бошидан буён бир қатор йрик ташаббуслар амалга оширилиб, юртимиз бўйлаб яшил боғларни кўпайтириш ва атроф-муҳитни

асраш борасидаги ишлар изчил давом эттириляпти.

Навоий вилоятида ҳам «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси

доирасида оммавий кўчат экиш акцияси ўтказилмоқда. Мазкур жараёнларда Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши, тармоқ касабани уюшмалари ходимлари ва масъул ташкилотчилар ҳам фаол иштирок этишяпти. Жумладан, улар томонидан Қизилтепа тумани Янги Ўзбекистон массивида 2 минг туп манзарали дарахт кўчати, шу тумандаги «Қизилтепа» ва «Табассум» болалар оромгоҳига 500 донна мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Шунингдек, Қарман туманидаги «Ишонч» болалар оромгоҳига 100 донна олча, «Сардоба» МФЙ ҳудудидан касабани уюшмаларига ажратилган ер майдонига эса 550 туп манзарали дарахт, Қонимех туманида 2 минг туп саксовул кўчати экилди. Касабани уюшмаси ходимлари томонидан ўз томорқаларига 1000 тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилди. Ушбу жараёнларда тизимда фаолият олиб бораётган 100 нафарга яқин ходим қатнашди. Вилоятда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар давом этмоқда.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»

## Сўранг, жавоб берамиз

# КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ КИМЛАРГА ТЎЛАНАДИ?

**САВОЛ:** Яқинда бир танишим иш жойи унга таътилда бўлмаган даври учун компенсация сифатида анча миқдорда пул тўлаб берганини айтиб қолди. Компенсация тўловлари ўзи нима ва қачон, кимларга тўланади?

Лола МИРЗАЕВА

Гулистон шахри

**ЖАВОБ:** Амалдаги меҳнат қончилигига кўра, компенсация тўловлари деб Меҳнат кодексига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимлар томонидан меҳнат мажбуриятларининг ёки бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ харажатлар ўрнини қоплаш мақсадида белгиланган пул тўловларига айтилади.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 286-моддасида иш берувчи ходимга унинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ харажатларни компенсация қилиши шарт бўлган куйидаги ҳолатлар белгиланади:

- хизмат сафарларида бўлганда;
- сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга ишларда, шунингдек, дала шароитларида ёки вахта усулида ишлаганда;
- иш берувчи билан олдиндан келишувга кўра, бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганда;
- иш берувчининг йўлланмаси билан касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтганда;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда;
- ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтганлиги муносабати билан;
- ходим фойдаланмаган йиллик меҳнат таътили учун;
- иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ходимнинг огоҳлантириш мuddати муносиб пул компенсацияси билан алмаштирилиши муносабати билан.

Бундан ташқари, иш берувчи ходимларга қорхона жамоа шартномасида, шунингдек, иш берувчи томонидан касабани уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида бошқа компенсация тўловлари белгиланган бўлса, иш берувчи ушбу компенсация тўловларини ҳам амалга ошириши шарт.

Компенсация тўловлари иш берувчининг маблағлари ҳисобидан, бюджет ташкилотларида эса бюджет маблағларидан тўлаб берилди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

# ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Ишхонада муносиб меҳнат шароити яратилиши ва ходимларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда иш берувчи ҳамда касабани уюшмасининг роли катта.

Бу йилги ўқув йилида 8 нафар педагогимиз имтиёзли йўлланма билан «Чортоқ», «Косонсой» ва «Зомин» санаторийларида соғлиқларини тиклаб келишди. Яна 5 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, жамоамиз аъзоларининг 100 нафардан зиёд фарзандлари Наманган шаҳридаги «Афсоналар водийси»да мазмунли дам олишди. Байрамлар ва спорт тадбирларида деярли барча педагогларга совғалар улашилди. Қолаверса, 115 кишилик жамоадан 55 нафар ўқитувчи директор жағфармасидан устамалар билан рағбатлантирилди.

Мақтабимиз нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз ўрнига эга таълим даргоҳларидан бири. Аҳли жамоамиз билан фахрланаман. Бизда билимли, салоҳиятли, ўз устида ишлайдиган устозлар талайгина. Бу йил ўқувчилар

сони 1877 нафарга етди. Ўқиш икки сменада ташкил этилган. Синфхоналар етишмаслигидан маданий дам олиш хонаси ҳам ўқув хонасига айлантирилди. Утган ўқув йилида 97 нафар битирувчидан 63 нафари олий ўқув юртлири талабаси бўлди. Улар билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Технология фани бўйича дам олишди. Байрамлар ва спорт тадбирларида деярли барча педагогларга совғалар улашилди. Қолаверса, 115 кишилик жамоадан 55 нафар ўқитувчи директор жағфармасидан устамалар билан рағбатлантирилди.

Мақтабимиз нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз ўрнига эга таълим даргоҳларидан бири. Аҳли жамоамиз билан фахрланаман. Бизда билимли, салоҳиятли, ўз устида ишлайдиган устозлар талайгина. Бу йил ўқувчилар

ўқув хонаси бугунги кун талабига мос эмас. Машгулотларда эски бинодан фойдаланилади. Кутубхонада бир вақтнинг ўзида 20 нафардан зиёд китобхонни қамраб олишнинг иложи йўқ. Шу боис таълим масканимизда кўшимча бино қурилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун ер майдони етарли, чунки мактаб салкам 3 гектар жойни эгаллаган.

Лобар РУСТАМОВА,  
Наманган вилояти  
Турақўрғон туманидаги  
1-умумтаълим мактаби  
бошланғич касабани уюшма  
қўмитаси раиси



## Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!

«Чинобод» санаторийида «Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!» мавзусида сумалак сайли бўлиб ўтди. Эзгуликка йўрилган кўтлуг байрам санаторийи ходимлари ва дам олувчиларини бирлаштирди. Уларни бунёдкорликка ундади, яратувчанлик мақсадида бошланган ишларга унум бахш этди. Пазандалик, арқон тортиш, ланка, тошотди, варрак учирини ва «Ким чаққон?» мусобақасида барча қатнашувчилар бир-биридан қолишмади. Ғолиблар муносиб тақдирланди. Санъат усталарининг чиқишлари тадбирга янада файз-барака ва шоду хуррамлик бағишлади.

«Йиллар армони» спектакли намойиши, китоблар кўргазмаси, сумалак сайли барчанинг хотирасига бир умрга муҳрланди.

Ваҳобжон ТОЖНЕВ,  
«Чинобод» санаторийи  
Маънавият ва маърифат кенгаши  
масъул котиби

Тошкент вилоятидаги «Zhonctzan chemical» МЧЖ қўшма қорхонасида ишловчи Ё.Рустамов иш пайтида тан жароҳати олди. Лекин унга даволаниши учун моддий ёрдам у ёқда турсин, таътил ҳам берилмади.

Шундан сўнг Ё.Рустамовнинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашига мурожаат қилди. Кенгашнинг меҳнат техник ҳамда меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан ҳолат атрофлича ўрганилиб, қорхона раҳбарига кўрсатма хати киритилди. Натижада жабрланувчига фойдаланилмаган меҳнат

## ИНСПЕКТОРЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН

таътили ҳамда даволаниши учун жами 44 миллион сўм миқдоридан маблағ ундириб берилди.

Шунингдек, Бўка туманида жойлашган «Qarshi stroy sentr» МЧЖда ишловчи Н.Худойбердиевнинг утган йил ноябрь ойи учун иш ҳақи ҳамда меҳнат таътили учун ҳақ тўланмагани тўғрисидаги мурожаати ҳам ўр-

ганилди. Инспекторларнинг саъй-ҳаракати туфайли, қорхона томонидан Н.Худойбердиевга жами 12 миллион сўм маблағ тўланди.

Машраб МИРЗАЕВ,  
Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,  
Ўзбекистон касабани уюшмалари  
Федерацияси Тошкент вилояти  
кенгаши инспекторлари

## УСТАМА ПУЛЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Инсон меҳнатига муносиб ҳақ олишни истайди. Бу қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ ҳамма ҳам қонунларга риоя қилавермайди. Оқибатда меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари бузилади. Ана шундай пайтда улар касабани уюшмаларидан нажот қутадилар. Биз ҳар бир аъзо меҳнатига муносиб ҳақ олиши учун барча қонуний чораларни кўраемиз.

Умиджон Ғойипов Боғот тумани тиббиёт бирлашмасида ўриндошлик асосида ишлагани учун узлуксиз иш стажига устама пуллари тўланмаганидан норози бўлиб, касабани уюшмаларига мурожаат қилди.

Мурожаатни ўрганиш давомида у ўриндошлик асосида тез тиббий ёрдам бўлимида ишлаган вақтларида 2015 йил 28 январдан 2022 йил 28 декабргача узлуксиз иш стажига берилмаган устама маблағлар тўланмасдан келингани аниқланди. Ўрганиш на-

тижаларига кўра, тез тиббий ёрдам чақирув бригадаси врачига берилмаган устама маблағларни тўлаб бериш бўйича Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига кўра, вилоят кенгаши томонидан фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Даъво қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қароридан Боғот

тумани тиббиёт бирлашмаси ҳисобхонаси томонидан кам ҳисобланган жами 15 619 128 сўм устама маблағлар фуқаро У.Ғойипов фойдасига ундирилиши лозимлиги қайд этилди.

Суд қарори ижроси таъминланиб, бу маблағ У.Ғойиповга тўлиқ тўлаб берилди.

Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмалари  
Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича  
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тўлқин Ризаев Косон тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар марказида ассистент бўлиб ишлайди. 30 йил ижтимоий таъминот соҳасида фаолият юритган.

– Рўзгорим катта, 3 нафар фарзандим контракт асосида олий ўқув юртида таълим олади, – дейди у. – Шартнома тўловларига ойлик маошнинг етмай қолди. Чунки оилада бир ўзим ишлайман. Фаолиятим давомида бирор марта касабани уюшмаларидан моддий ёрдам олмагандим. Бу сафар бирор мадад бўлар деган умидда Федерациянинг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, вазиятни тушунтирдим. Касабани уюшмаси аъзоси эканимни инобатга олиб, моддий ёрдам ажратилганини сўрадим.

«Ишонч телефони»га қилинган мурожаат тезлик билан назоратга олинди. Уни ўрганиш, белгиланган тартибда ечим топиш Давлат муассасалари ва жамоат хизмати хо-



## «МУРОЖААТИМ БУ ҚАДАР ТЕЗ ҲАЛ БЎЛИШИГА ИШОНМАГАНДИМ»

димлари касабани уюшмасининг Қашқадарь вилояти кенгаши зиммасига юклатилди. Натижада Тўлқин Ризаевга Ижтимоий хизматлар агентлиги Қашқадарь вилояти бошқармаси касабани уюшмаси кўмитаси маблағлари ҳисобидан маълум миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

– Ростини айтсам, мурожаатимга тезкорлик билан ижобий ечим топилишига унча ишонмагандим, – дейди Тўлқин Ризаев. – Мен тизим ходимларидан миннат-

дорман. Юртимизда инсон қадрли улуғлангани, фуқаролар мурожаатида жиддий эътибор қаратилаётганини ўз ҳаётим мисолига ҳис қилганман.

Зеро, ҳар бир мурожаат ортда инсоннинг орзу-умидлари туради. Уларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш эса халқ орасида ташкилотнинг нуфузини оширади, жамият ва давлат ўртасидаги ишонч муҳитини мустаҳкамлайди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

**ЎЗИНИ ВА ЎЗГАЛАРНИ ХУРМАТ ҚИЛГАН ОДАМ ЭШИКНИ ОҲИСТА ТАҚИЛЛАТИБ ОЧАДИ. ТАҚИЛЛАТМАСДАН ИЧКАРИГА КИРАДИГАН КИШИНИ КЎП СЎЗЛАР БИЛАН «ТАЪРИФЛАШ» МУМКИН. АГАР КИМДИР ЭШИКНИ КАЛИТСИЗ ОЧИБ, ХОНАНГИЗГА КИРСА ВА ИНДАМАЙ ЎТИРИБ ОЛСА, НИМА ҚИЛАДИГИЗ? КАМИГА БУ БЕЗЛИГИДАН ХУРСАНД БЎЛИБ, ТИРЖАЙИБ ТУРСА, «СЎЗ» ВА «КЎЗ» БИЛАН «СЕХР-ЖОДУ» ҚИЛИБ, АЛДАСА, АВРАСА-ЧИ?..**

**Алдаш бошқа – авраш бошқа...**  
«Ўйнашга ишониб, эрсиз қолган аёл», «Эрига хиёнат қилган аёл», «Эрига хиёнат қилган келин», «Ўйнашидан ҳомиладор бўлган келин», «Зино ботқоғига ботган келин», «Зинони касб қилган келин», «Қайнақасидан ҳомиладор келин», «Оилани эркакни йўлдан урган қиз», «Ўйнашини келин қилган эркак», «Россияда юрган укасининг хотини билан яшаган эркак», «Чимилдикда очилган сир», «Эрим фоҳишани севиб қолди», «Хотиним аввал зўрланган экан», «Жазманини келин қилдим», «Қайнотамдан ҳомиладорман»...

Бўлди, бас, етар-а, кўнглингиз беҳузур бўлиб кетмади?..  
«Киприқда олинган» ва олинаётган кино, сериал ёки теленовеллалар ҳақида ҳеч эшитганимиз? Агар телевизор кўрмасангиз, улар ҳақида билмайсиз. Ўзи шу, кўрмай-билмай, тўғри қиласиз.

Бундан беш-олти йил бурун «тилбузар»да битта кино кўргандим. Жуда «катта» ижтимоий-маиший «муаммо» кўтарилган ўша «қизиқарли» фильмнинг қисқача мазмуни қуйидагича: ҳатто уйда ҳам ота-онасига лаби бўялган ҳолатда кўриниш берадиган қошлари терилган, киприқлари «найза» қиз севганига турмушга чиқади. Унинг қайнопаси ҳам худди ўзи, яъни лаб, қош ва киприққа обдон «ишлов» берилган. Шундай «чирой» билан эрдан қайтган қайнопа келинига ҳеч кун бермайди. Бир куни укасига «кўчанинг бошидаги дўконда хотиннинг биттаси билан гаплашиб турганини кўрдим, номусдан ўлдирдим, йўқот уни...», деб «дийдиё» қилади. Келинчак эрига дўконда синфдо-



# КАЛИТСИЗ ОЧИЛАЁТГАН ЭШИК

шани учратиб қолганини айтади, аммо фойдаси бўлмайди, ажрашиб куйи чалинади.  
Шу ўринда бир фикр: агар синфдош билан сўрашиш, суҳбатлашиш ажрашишга сабаб бўладиган бўлса, унда кўп оилалар бузилиб кетиши керак экан-да?  
Хуллас, арзимас сабаб билан уйига қайтган қиз ота ховлида ҳам ўша «лаб», ўша «қош», ўша «киприқ» билан юради. Кейин у оддий ошхонага идиш ювуви бўлиб ишга киради. Аммо пардоз-андоз ҳеч ўзгармайди. Идиш-товуқлар ҳам узун тирноқлар билан ювилади.  
Кунлардан бир куни қиз катта умидлар билан катта шаҳарга келади. Аммо катта хатога йўл қўяди, яъни алданади...  
У чақалоқли бўлгач, шаҳарда еб-ичишдан,

яшашдан қийналади. Лекин пардоз-андоздан ҳечам қийналмайди, ҳаммаси ўша-ўша...

Алданган жувон боласини сотаётганда қўлга олинади...  
Фильм якунида зонанинг катта темир дарвозаси очилади. Кейин у чиқиб келади. Кўриниш эса, ўша-ўша...

О-ла, кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан. Озодликка чиқишдан олдин маҳкума учун «ичкари»да алоҳида гўзаллик салони ташкил этилган экан-да. Э, қойил...

Фильм ижодкорлари гўёки «Ҳаётда адашма, одам савдосига аралашиб қолма», деган мазмундаги фикр-мулоҳазани илгари суришган. Аммо ҳаммаси жуда жўн, ҳаммаси «хайратланарли»...

Бир нарсига ҳайронман. Наҳотки, ўша фильм ижодкорларидан бирортаси «Нме қахрамонларни адабий тилда эмас, толька шевада гапиртирвоммиз, нимага главний героиня постоянна макияжда юради?», деб эътироз билдирмаган. Билъакс, билдиролмайди ҳам...

Афсуски, бюджети арзон, сценарийси бўш, тили шевада «чайналган», қахрамонлари «ўлик», диалоглари пуч ва узун, кадрларда нукул кўча, кафе ва хонадонлар кўрсатиладиган «ижод»лар борган сари кўпайиб борапти. Энг даҳшатлиси, уларга ҳаёсизлик, орсизлик, яланғочлик... синдирилмоқда. Ҳеч бўлмаса, номда...  
Уша гап: алдаш бошқа – авраш бошқа! Улар аврашапти...

**ЎЗИ БИТТА, НОМИ ИККИТА...**  
Ана энди мақола аввалида санаб ўтил-

ган «эътиборга молик» номлар, аниқроғи, ўзбек «кино»лари ҳақида сўз юритсак.

Хўп, биринчидан, улар кино эмас. Чунки улар кино деб аталмиш сеҳрли санъат мезонларига тўғри келмайди, талабларига умуман жавоб бермайди. Лекин негадир уларнинг аксарияти «YouTube»га (o'zbek kino/ўзбек кино) деган «ёрлик» билан жойланган. Қизиқ, қачондан бери телесериал ёки теленовелла кино деб қабул қилинадиган ва шундай ёзилмаган бўлди?

Бу дейман, теленовеллани суратга олиш ҳам жуда осон экан-да. Энг аввало, сийқаси чиқиб кетган маиший мавзуда «суви кўп» сценарий ёзилади. Актёр ва актрисалар (уларнинг орасида мактаб кўрмаганлари ҳам бор) ўзлари ўрганган тилда гапиради, яъни кимдир «бу ер қаер?» деса, кимлардир «бўт қат?» дейди. Тасвирга ўтишда ҳам «муаммо йўқ». Тошкент кўчалари тепадан кўрсатилса бўлди, шу – «переход». Аслида «переход»нинг «кадр»ларда дам-бадам «кўришни бериши» сюжетда, воқеа-ҳодисалар тасвирида ўзаро боғлиқлик этишмаслигини англатади.

Омонлик бўлса, бу бошдан нелар ўтмайди: кўз кўриб, қулақ эшитмаган нарсаларни кўрасиз-эшитасиз. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам элга дастурхон қилиб бўлмайди, ахир.

Хориждан кўчириш, тақлид қилишда ҳам «безлик режими» ёқилган.  
«Сизга ҳозир ҳаммасини тушунтириб берман. Бу сиз ўйлаган нарсаси эмас...». Бу – хиёнат қилаётганда қўлга тушган «ошиқ» ёки «маъшук»нинг ўзини оқлаш учун айтган сўзлари ва рус сериалларидаги «Я сей-

час тебе все объясню. Это не то, что ты думаешь»нинг айнан таржимаси. Битта фарқи шуки, «бизникилар» тўшақда, ярим-яланғоч ҳолатда «запал» бўлмайди, фақат шу кўрсатилмайди, холос (шунисига ҳам шукр). Аммо бу кетишда...

Шу ўринда кимдир «Сиз назарда тутаётган теленовеллаларда ўзингиз айтганингиздек, «яланғоч» сахналар йўқ-ку», деб эътироз билдириши мумкин. Тўғри, шундай. Лекин сюжетда, сўзда «еталаш» бор.

«Жазманини келин қилдим», «Ўйнашини келин қилган эркак», «Ўйнашига келин бўлган қиз»... Булар – аудиторияни тортиш учун топилган «ном»лар. Энг қизиги, охириги иккитаси битта нарсаси, яъни битта теленовелла иккита ном билан «YouTube»да эътиборни тортиб турибди.

Билмадим, бу «кино»лар давлат ва нодавлат телеканалларида қандай ном билан кетган, аммо уларнинг (айниқса, «Маҳалла» телеканалининг) «YouTube»даги саҳифаларида шундай «жозибатор» номлар билан жойланган.

Нима эмиш, ўйнашини келин қилган ота тўйда қатнаша олмайди, сафарда бўлади. О-ла, ахир у «боламини уй-жойли қилай, уйлантирай...» деган мақсадда бир неча йиллар четда ишлаб ва ҳаттоки фарзандининг тўйига ҳам келолмай юрган оталар тоифасидан эмас. У – пулдор. Пул уни кўтуртирган... Хуллас, у хоҳлаган пайтида хорижга бориб келиши мумкин. Шундай экан, тўйда қатнаша олмаслик – абсурд!

Хўп, майли, «сафар»га ҳам ишондик дейлик. Аммо ҳозир замон ўзгарган. Яъни куёв келини чимилдикда ёки қайнопа келини тўйдан кейин кўрадиган вақтлар ўтиб кетганига анча бўлди. Ҳозир ота ишгироқда ҳеч бўлмаса, аввал бўлғуси келиннинг сурати кўрилади. Кейин маслаҳат қилинади, суриштирилади...

Шу, «ўзи битта, номи иккита»га ўхшаш «номдор» кинолар жуда «долзарб» мавзуда экан, чоғи. Чунки улар деярли ҳамма телеканалларнинг «YouTube»даги расмий саҳифаларида «айланиб юрибди». Ҳаттоки, «O'zbekiston 24»ниқда ҳам.

Аслида, турли «...production» ва продюсерлар томонидан суратга олинаётган «кино»ларнинг ҳар бири ҳақида, яъни унинг тили, сюжети, янги қиёфалар «маҳорати», режиссура... тўғрисида алоҳида мақола ёзиш мумкин. Аммо бундан наф бормикан?!

## ТОШНИ ТЕШАЁТГАН «ТОМЧИ»ЛАР

Пул ҳаммага керак, бироқ ҳамма нарсани ҳам пулга чақиб бўлмайди. Инчунин, миллат тақдирини билан боғлиқ масалада! Лекин биз нима қиляпмиз? Биз пул ва рейтинг ортидан кувиб, ҳаммасига кўз юмьяпмиз. Афсуски, бу «кўз юмишлар» кўзлар очилишига сабаб бўляпти. Пул ўлсин-а, пул ўлсин. «Яшасин рейтинг»!

Биз хулоса ўрнида «Бу менталитетга тўғри келмайди», «Бу маънавиятга зид-ку», «Масъуллар қаёққа қараяпти?»... каби «навбатчи» фикр-мулоҳазаларни айтишдан йироқмиз. Чунки ҳеч ким ҳеч қаёққа қарама-япти – назорат йўқ! Салбий таъсир эса аллақачон сезилган.

Томчилаб турса, томчи тошни тешади. Биз «томчи»ларни кўряпмиз, «чак-чак»ини эшитяпмиз, аммо афсуски, оқибатини ҳис қилмаяпмиз. Бу кетишда, бундай муносабатда қачондир телевизор ва «YouTube»ни қадриятлар борасида кўп нарсани йўқотган ҳамда шунга кўниккан авлод қаради...



Алижон АБДУРАХМОНОВ «ISHONCH»

## Гламда БУГУН



## Ғазода бир миллион инсон озиқ-овқатсиз қолиши мумкин

Исроил инсонпарварлик ёрдами етказиб беришга рухсат бермаса, Ғазо секторидидаги бир миллиондан ортиқ аҳоли озиқ-овқатсиз қолиши мумкин. Бу ҳақда 25 март куни БМТнинг Фаластин қочқинларига ёрдам кўрсатиш бўйича Яқин Шарқ агентлиги баёнот берди. Агентликнинг таъкидлашича, узлуксиз қамал ҳолати гуманитар инқирозни янада кучайтирмоқда ва бу ҳолатни зудлик билан тўхта-тиш зарур.

## Украина армиясига ёрдам керак

Украина президенти Владимир Зеленский Time журналича берган интервьюсида Киев улкан армияни таъминлаш учун етарли маблағга эга эмаслигини тан олди. Унинг таъкидлашича, Ғарб давлатлари, энг аввало, Европа Украина қуролли кучларини молиялаштириши ўз зиммасига олиши керак.



«Уларга дам олиш, ротация, захира, маош керак. Бу – жиддий муаммо. Украина бюджети етарли эмас. Алоҳида дастурлар талаб этилади. Европа буни молиялаштириши шарт. Яхшиси, Европа ҳам, Америка ҳам», деди Зеленский.  
Кремлнинг таъкидлашича, Украинани қуроллантириш музокаралар эҳтимолини камайтиради ва жоҳорони янада чуқурлаштиради.

## Дипломатик можаро юзага келди

Европа ва Буюк Британияда АҚШ амалдорлари ижтимоий тармоқдаги ўзаро ёзишмаларида иттифоқдошларни «текинхўрлар»га тенглаштирганига кескин муносабат билдирилди.

«Баъзан иттифоқдошларингиз ортингиздан нималар дейишни билмаганингиз маъқул», деб ёзди Politico. Нашринг маълум қилишича, Европа ва Буюк Британия дипломатлари ушбу хабардан қаттиқ ранжиган. Брюсселдаги айрим манбалар Вашингтоннинг ўз ҳамкорларига нисбатан кескин душманлик кайфиятини кўрсатиб қўйган

ушбу воқеани Европани «сергакликка ундовчи воқелик» дея баҳолашмоқда.

«Бу ҳайратланарли эмас. Энди биз уларнинг дипломатик ниқоб ортидаги ҳақиқий фикрларини кўряпмиз», демоқда европалик дипломатлар. Шунга қарамай, улар АҚШ яна «ишончли ҳамкор»га айланади, деган умидда.



Юмшоқ ўриндиқли автобусга чиққан аёлларнинг бири-бири билан танишиб олишларига кўп вақт кетмади. Улар кўшиқ куйлаб, рақсга тушиб, Тошкентга қандай етиб келишганини ҳам билмай қолишди. «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафарга яқин опа-сингиллар учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши пойтахтга саёҳат уюштирилди.

## «БУНЧА ГЎЗАЛСАН, ТОШКЕНТ!»

— Жудаям яйрадик, — дейди Сайхунобод туманидаги «Гулбулок» маҳалласида яшовчи Дилноз Лолабекова. — Икки кунлик саёҳат давомида Тошкент нақадар гўзаллашиб кетганига гувоҳ бўлдик. Биз учун жуда қулай шароитлар яратилди. Энг яхши меҳмонхоналардан бирига жойлашдик.

Пойтахт бўйлаб саёҳат қилган аёлларнинг таассуротлари бир олам. Оқсарой, Тошкент телеминораси ва қатор музейларга ташрифлар унутилмас бўлди.

— Тўғриси, бағримни очиб, «Бунчалар гўзалсан, Тошкент!» деб қичқиргим келди, — дейди сардобалик Мавлуда Орзикулова. — Пойтахтимиз жудаям чиройли бўлиб кетибди. Саёҳат кўнглимизни кўтарди, янги танишлар орттирдик. Шундай беминнат гамхўрлик, эътибор учун ташкилотчилардан миннатдоримиз.

Хайрулла АМИНОВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Сўнги пайтларда ҳафтанинг ҳар жума куни барча корхона-ташкilotларда ишловчи ходимлар, ҳатто ўқувчилар ҳам миллий либослар кийиб ишга ва ўқишга борадиган бўлишди. Бу, албатта, кўзларни қувонтиради, қалбларда миллий гурур ва ифтихор туйғусини жўш урдиради. Аммо масаланинг бошқа оғриқли томони ҳам борки, ундан зинҳор-базинҳор кўз юмиб бўлмайди.

Эътибор берганмисиз, кундалик ҳаётда бирор нарсага талаб охша, унинг нархи кўтарилиб кетади. Миллий либослар тарғиб қилина бошланганида ҳам худди шундай ҳолат рўй бериб, уларнинг баҳоси икки-уч баробарга қимматлашди.

— 4-синфда ўқийдиган набирамга дўппи олмоқчи эдим, — деди қуйичирчилик Мўътабар Абдуллаева. — Бозорга борсам, 70 минг сўм экан. «Ие, бу қанақаси бўлди? Ахир ўтган йили 20-25 минг сўм атрофида эди-ку!» дея ажаблансам, «Бу йил асл жойидаги нархнинг ўзи ошиб кетди, биз ҳам қимматга олдик, арзонга сотсак, зарар кўрамыз», деб жавоб беришди...

Биз нарх-навоини билиш мақсадида Тошкент вилоятидаги бозорлардан баъзиларида бўлдик ва айни кезларда урф бўлган чопон кўринишидаги миллий либослар қанча туришини сўраб-суриштирдик. Оққўрғон тумани буюм бозоридан уларнинг энг арзони 250 минг сўм экан. Бошқалари сифатига қараб, 350-500 минг сўмгача. Қизиқ, уларнинг матолари ҳам, бичимлари ҳам жуда оддий, аммо нархи нега бунчалик юқори? Ёки ҳамма гап талаб кўпайганидими? Бундай шароитда неча пул бўлсаям, одамлар, барибир, харид қилишга мажбур бўлишади, деб ўйлашадими?

— Тўғри, матоси оддий, аммо сифатлилари ҳам бор, — деди сотувчи. — Оламан десангиз, келиштириб бераман. Чунки эндиликда кунлар исияпти, ҳаял ўтмай, уларни сотолмай қоламиз. Сўнгра навбат ёзда кийиладиганларига келади. Уларнинг нархлари ҳам осмонда. Албатта, эхтиёж кўпайгач, қимматига сотамиз-да.

Биз кизалокларнинг ироқи дўпписига харидор бўлдик.

— Улар 70 минг сўм, улама сочилиги эса 75 минг сўм, — деди викор билан сотувчи йигит. — Сиз, яхшиши, мендан олаверинг. Чунки бу бозорда икки-уч жойидагина дўппи сотилади ва нархлари бир хил. Аммо арзон қилолмайман, чунки «оптом»га

# МИЛЛИЙЛИКНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

65 мингдан оламан. Мен ҳам фойда кўришим керак-ку...

Бир сотувчи опанинг айтишича, эркаларбоп калампирнуха дўппининг ҳам нархи бироз ошган. Бултур оддийлари 15 минг сўмдан сотилган бўлса, бу йил 35 минг сўмдан пулланяпти. Ўқувчи кизлардан баъзилари ўзларига мўлжалланган ироқи дўппилар қиммат бўлгани сабабли эркалар дўпписини сотиб олиб ва чеккасига кўзмунчоқ тақиб кийишга одагланшибди.

Оққўрғон буюм бозоридан чиқиб, қўшни Қуйи Чирчиқ тумани сари йўл олдик. Бозорга киргач, атиги икки жойда дўппи сотилаётганига гувоҳ бўлдик.

— Булар 100 минг сўмдан, ками йўқ, — деди сотувчи аёл қошларини чимирганча. — 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган кизларники ҳаммаси бир хил нархда. Уларни биз ҳам қимматга олиб келамиз, гап нимадалигини тушунгандирсиз?..

Хўш, мактаблардаги ахвол қандай? Ўқишга миллий кийимларда борадиган ўқувчиларнинг ота-оналарига бу иқтисодий жиҳатдан оғирлик қилмайтими? Зарур маълумотлар олиш учун Нурафшон шаҳридаги 48-мактабга кириб бордик.

— Бошқармаминистр қатъий топшириғига кўра, ҳар жума куни ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам мактабда миллий либос кийиб юришади, — деди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зухра Зайниддинова. — Қуйи синфдагилар деярли юз фоиз ўзимиз махсус тиктирган дўппи ва нимчада келишади. Юқори синф ўқувчилари эса, ҳар жума кунда. Бирок бу кийим-кечакларнинг нархлари охиб кетгани чатоқ бўлди. Чунки ўқувчилар орасида моддий-ижтимоий ахвали оғирроқ бўлган оилалар фарзандлари ҳам

бор. Қолаверса, улар ўз номи билан бола, бошқа тендошлари қатори бир хил кийинишни хошлайдилар. Бас, шундай экан, бирорта корхона ушбу махсулотларни мактаб ўқувчилари учун арзонроқ нархларда ишлаб чиқарса, нур устига нур бўларди. Чунки миллийликка интилиш баъзи оилаларнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир ўтказмаслиги керак.

Кўриб турганингиздек, бозордаги сотувчилар миллий либос ва дўппилар савдоси юришганидан мамнун. Фарзанди ҳеч қимдан кам бўлмаслигини истовчи ота-оналар эса бу кийим-кечакларни қиммат баҳода сотиб олишга мажбур бўлишмоқда. Бизни ажаблантирган, шу пайтгача бир четда чанг босиб ётган нарсалар тарғиботи бошлангани ҳамо уларнинг нархларини бу қадар кўтаришдан мақсад нима — фақат пул топиши? У ҳолда биз миллийлигимизни пуллаямиз экан-да. Холбуки, бу либосларни тайёрлаш учун зарур бўладиган хомашлар қимматлашмаган. Тайёр махсулот нархларини қимматлар суъний равишда оширмоқда. Бундай вазиятдан айрим олибсотарлар ҳам устамонларча фойдаланиб қолишмоқда.

Албатта, кўзни яшнатувчи бежирим либослару жимжимдор нақшли дўппиларни ҳар қим ҳам фахр билан кийгиси келади. Аммо бу мажбурий бўл-



маслиги керак. Негаки, уларнинг асл эгаси ўзимиз. Шундай экан, миллийликни тарғиб қилиш баҳонасида айримлар ўз фойдасини кўзлаб, «отни камчилаб қолиши» мутлақо нотўғри.

Миллийлик инсоннинг қалбидан, онг-шуурида бўлади. Агар юқоридан тарғиб қилинишини кутмай, шундоқ ҳам ўша нарсалар эгнимизда бўлганида, эҳтимол, бугунгидек ҳолат кузатилмасди. Мана, энди ўз вақтида гурур билан кийилмаган, кадрланмаган нарсаларнинг кадри балинд бўляпти.

Нигора РАХИМЖОНОВА

## КАСБИНИГЎЗ ЎЗИНИГЎЗГА МОСМИ?

Ҳаётимиз давомида «темперамент» атамасига тез-тез дуч келсак-да, унинг асл мазмуни ва бизга таъсири тўғрисида етарлича ахборотга эга эмасмиз.



Темперамент инсоннинг туғма характери бўлиб, у асаб тизимининг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Темпераментни тузатиш ёхуд ўзгартириш мушкул вазифа бўлгани сабабли ҳар биримиз индивидуал қобилиятларимизни инобатга олиб, ҳаёт тарзимиз ва меҳнат фаолиятимиз йўналишларини танлаб олганимиз маъқулроқ.

Сизнинг темпераментингиз холерик, сангвиник, меланхолик

ёки флегматик типига мансублигини аниқлаш учун бугунги кунда Интернетда турли махсус психологик сўровномалар ва тестлар мавжуд. Шунингдек, темперамент турини ҳар бир типга берилган таърифлардан келиб чиқиб аниқлаш ҳам мумкин.

Холерик типдаги инсонлар мулоқотга тез қирсувчан фаол ва ҳаракатчан бўлса ҳам, қўпол, қайсар ва дилозор бўлишади. Холерик типдагиларга тадбиркорлик, журналистик, режиссёр-

лик ва жарроҳлик йўналишлари тўғри келади. Бу типдаги инсонлар жамоада тезликда ўз ўрнига эга бўла оладиган, стрессга чидамли ва энергияга бой ходимлардир.

Сангвиник типдаги инсонлар қизиқувчан, меҳнатсевар, ҳозиржавоб, шу билан бирга, ўзига ортиқча баҳо берувчилардир. Бундай кишилардан моҳир ташкилотчилар, раҳбарлар, ўқитувчилар чиқади. Уларда туғма раҳбарлик қобилияти мавжуд.

Флегматиклар ўз фикрида собит, хотиржам, ишбилармон бўлишса-да, дангасалик ва тушкун кайфиятдан холи эмас. Бу типдагиларнинг энг кучли хислати хотиржамлик. Шунинг учун ҳам улардан илмий тадқиқот, медицина ва бухгалтерия йўналишлари бўйича кучли мутахассислар чиқади.

Меланхоликлар одатда мулоим, фаросатли, гўзалликка интилувчи бўлиб, тез-тез аразлаб ва ғамгин бўлишади. Улар билан мулоқотга киришиш жуда мушкул, улар учун ижодкорлик ишлари афзалроқ. Бу типдаги инсонлар расомлик, санъат ва бастакорлик билан шуғулланганлари маъқул.

Ҳақиқий холерик ёки флегматиклар ҳаётда камдан-кам учрайди. Кўпгина ҳолатларда инсонларда барча типлар мужассам бўлиб, улардан бири устунлик қилади, холос.

Темпераментлар яхши ва ёмон турларга бўлинмайди, шунчаки биз бўлажак касбимизни танлаганда темперамент хусусиятларимизни инобатга олишимиз лозим. Шундангина ўз касбимизнинг моҳир эгасига айланиш эҳтимоли юқорироқ бўлиб, ишлаб турган корхонамизга ва умуман жамиятга тегадиган нафимиз кўпроқ бўлади.

Лола Жўраева,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Бўхоро вилояти кенгашининг бўлим мудири



The Telegraph нашрининг ёзишича, бой америкаликлар иқтисодий сиёсат ва Трамп ҳукумати қўллаши мумкин бўлган чекловлардан хавфсираб, ўз маблағларини оммавий равишда АҚШдан чиқаришни бошлашган.

London and Capital бошқарув директори Роберт Полнинг маълум қилишича, сўнги уч-тўрт ҳафта ичида мижозлар томонидан 40, 30, 30, 100 ва 50 миллион дол-

## Миллионерлар қочмоқда

лар миқдоридидаги маблағлар хорижга ўтказилган. Улар АҚШ брокерлик ҳисобларидан олиб чиқилиб, Швейцария, Жерси ва Гернси каби аънавий офшор худудларда жойлаштирилмоқда.

Полнинг фикрича, бундай ҳолат илгари фақат молиявий инкироз пайтида кузатилган. Ҳозир эса бунга «Трамп президентлиги атрофидаги ноаниқлик» ва капитал ҳа-

рақати устидан назорат кучайтирилишидан хавотир сабаб бўляпти.

Maseco муассисларидан бири Жош Мэтьюз ҳам бой мижозлар ўртасида ташвиш ортганини тасдиқлади. Унинг сўзларига кўра, Трамп ҳозирча капитал ҳаракатларини чеклашни тақлиф қилмаган бўлса-да, бу мавзудаги сиёсий риторика «тез ва кутилмаганда ўзгармоқда».

## Хитой АҚШ билан мулоқотга тайёр

Хитой ташқи ишлар вазири Ван И Пекин Вашингтон билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Мазкур баёнот унинг АҚШ-Хитой муносабатлари бўйича Миллий қўмита бошқарув кенгаши раиси ўринбосари Эван Гринберг билан учрашуви чоғида янгради.

«Хитой икки томоннинг асосли хавотирларини бартараф этиш учун АҚШ билан мулоқот ва музокараларга тайёр», деди Ван И. Унинг таъкидлашича, икки давлат ўртасидаги муносабатлар муҳим босқичга етиб келган. Вазир алоқаларни мустаҳкамлаш, хато баҳолашлардан сақланиш ва келишмовчиликларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Ван Ининг фикрича, Хитой ва АҚШ ўртасида кенг қамровли умумий манфаатлар бор. Агар тўғри ёндашилса, бу давлатлар муваффақиятга эришиши ҳамда глобал барқарорликка ҳисса қўшиши мумкин.

Оламгир ОТАЁРОВ  
таъёрлади

## Трамп: «ЕИ душмандан баттар»

АҚШ президенти Дональд Трамп Newsmax телеканалига берган интервьюсида Европа Иттифоқи давлатларини АҚШни узоқ йиллар давомида иқтисодий эксплуатация қилганликда айблаб, уларни «душманлардан ҳам баттар» дея атади.

«Баъзан дўст деб билганингиз душмандан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқади. Европа Иттифоқи қаранг — улар мамлакатимизни қандай талон-торож қилишди», деди Трамп.

Унинг таъкидлашича, охириги 45 йил давомида бошқа давлатлар АҚШни «ши-

либ келган», Америка ҳукумати эса «юмшоқлик ва заифлик» кўрсатган. Оқибатда, давлат қарзи ҳажми улкан даражага — 36 триллион долларга етган.

«Энди ана шу маблағларнинг бир қисмини, ҳатто каттагина қисмини қайтарши вақти келди», деган Трамп.





## «САЁҲАТ САРИ» УНИТАР ҚОРҲОНАСИ ЖАМОАСИ



Наврўз айёми билан юртимиз аҳлини ва азиз меҳмонларни самимий қутлайди!

Сизга бугун, эртага ва келгусида ҳам яқин инсонларингизнинг  
меҳр-оқибатларидан баҳраманд бўлиш бахти насиб этсин!

Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, ўзаро меҳр-муҳаббат туйғулари ҳеч қачон тарк этмасин!

Келгуси ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз!

## «ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*янгилашни фасли –*

*Наврўзи олам билан*

*барчани табриклайди.*

*Сизга чин қалбдан оилавий бахт,  
тинчлик-тотувлик ва фаровон ҳаёт  
насиб этишига тилакдошимиз!*

*Қувонч ва бахт-саодат  
хонадонингизни асло тарк этмасин!*

*Баҳорнинг илиқ кунлари билан*

*ташриф буюрган*

*Наврўз байрами қутлуғ бўлсин!*



## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*қутлуғ айём – Наврўз билан*

*барчани табриклайди!*

*Қуёш ўз нурлари ила хонадонингизга*

*баҳорий илиқлик ва чексиз*

*қувонч олиб келсин.*

*Дастурхонингиздан*

*тўкин-сочинлик аримасин!*

*Омад, муваффақият ва бахт*

*ҳаётингизни тарк этмасин!*

*Шу қутлуғ кунларда қадамган*

*уруғлар мўл-кўл ризққа,*

*экилган ниҳоллар сервиқор дарахтга*

*айлансин, қилган ҳар бир*

*яхши тилакларингиз амалга ошсин!*

НАВРЎЗ УМУМ-  
ХАЛҚ БАЙРАМИ МУ-  
НОСАБИ БИЛАН  
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕ-  
РАЦИЯСИ ҚАШҚАДАРЁ  
ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ  
ТАРИХИЙ ШАҲАР-  
ЛАРГА САЁҲАТЛАР  
ТАШКИЛ ЭТИБ КЕЛ-  
МОҚДА. УЛАРДАН  
БИРИ ВИЛОЯТНИНГ  
БИР ГУРУҲ ИЛҒОР  
ПИЛЛАКОРЛАРИ ХО-  
РАЗМ ҚАДАМЖОЛА-  
РИГА БОРГАНИ БЎЛДИ.

## ПИЛЛАЧИЛАР ХОРАЗМГА БОРИШДИ

– Маълумки, Қашқа-  
дарё вилояти пилла  
етиштириш бўйича рес-  
публикада етакчи ўрин-  
ларда туради, – дейди  
Агросаноат мажмуи хо-  
димлари касаба уюш-  
маси Қашқадарё вилоя-  
ти кенгаши раиси Бо-  
бомурод Хужаёров.  
– Бунда заҳматкаш пил-  
лакорларимизнинг хиз-  
матлари катта, албатта.  
Уларнинг саъй-ҳаракат-  
ларини муносиб рағбат-  
лантириб бориш, мав-  
сум давомида шарт-ша-  
роитларини яхшилаш  
ва моддий қўллаб-қув-  
ватлашга ҳам жиддий  
эътибор қаратяпмиз.  
Ушбу саёҳат ҳам уларга  
манзур бўлди.

Вилоятнинг 100 на-  
фарга яқин илғор пил-  
лакор хотин-қизи Хива-  
даги тарихий қадамжол-  
ларда бўлишди. Хоразм  
тарихи, унинг маданияти  
ва урф-одатлари билан  
яқиндан танишишди.

– Хоразмга биринчи  
марта келишим, – дейди  
Холниса Абдиева. – Бу  
диёрнинг тарихи, меъ-  
морий обидалари, ал-  
ломалари ҳақида олдин-  
дан етарли маълумотга  
эга бўлсам-да, уларни ўз  
кўзим билан кўриш ния-  
тида эдим. Хива шаҳри  
бежиз осмон остидаги  
музей дейилмас экан.  
Ичан қалъага кириши-  
миз билан бой тари-  
химиз гўёки бор сало-  
бати билан бизни қарши  
олди. Мадрасалар, хо-  
нақо ва миноралар ўз  
даврининг нодир оби-  
далари бўлганига гу-  
воҳ бўлдик. Болалигим-  
дан кўп китоб ўқиганим  
боис, Хоразм тарихи  
ҳақида билганларимни  
ҳамроҳларимга сўзлаб  
бердим. Уларнинг ҳам  
таассуротлари бир дунё.  
Завқимиз, ҳаяжони-  
мизни тасвирлашга тил  
ожишлик қилади.

Баҳодир ХАЛИМОВ  
«ISHONCH»



# АГАР АЁЛ

# ДАРД ЧЕКСА...

ДАРД БИЛМАГАН БАХТНИНГ ҲАМ ҚАДРИГА ЕТМАС. ЭҲТИМОЛ, ДАРД ЧЕКМАС – КЕСАК, ДЕЙИШЛАРИ ШУНДАНДИР. БАЪЗАН БЕИХТИЁР УЙЛАБ ҚОЛАМАН. ХУДО ДАРДНИ ЭРКАККА КЎПРОҚ БЕРГАНМИКАН ЭКИ АЁЛГА? МЕНИМЧА, АЁЛГА, УНДАН ОРТГАНИНИ ЭСА ЭРКАККА БЕРГАН... ЧУНКИ ФАҚАТ АЁЛГИНА, ЮРАГИНИ АЛАМ, ЖОНИНИ ОФРИҚ КЕМИРАЁТГАНДА ҲАМ КУЛИБ ТУРА ОЛАДИ. ЧУНКИ ФАҚАТ УГИНА ДАРДИНИ ЎЗГАГА КЎРСАТМАСЛИКНИ, УНИНГ ҲАМ КЎНГЛИНИ ХУФОН ҚИЛМАСЛИКНИ ЭПЛАЙ ОЛАДИ, БОШҚАЛАРНИНГ ДИЛИ ОФРИМАСЛИГИ УЧУН ЎЗ ДИЛ ОФРИҚЛАРИНИ ЯШИРА ОЛАДИ. ЭҲТИМОЛ, ШУНИНГ УЧУН ҲАМ АЁЛНИНГ ЖОНИНИ ҚИРҚТА ДЕЙИШАР.



оралаб туғилган икки боласини боқишга етмасди. Етишмовчилик сабаб оилада жанжал, тўполонлар авж ола бошлади. Маликанинг эри ичкиликка ружу қўйиб, уни турткилай ҳам бошлади. Маликани ҳимоя қиладиган ҳеч ким йўқ эди. Ваҳоланки, у эрини яхши кўрарди. Аммо уни онасиникига элтиб қўйди. Бахтга қарши, Маликанинг онаси оламдан ўтган, мункиллаб қолган отаси келинларининг ранг-рўйига қараб кун кўрарди.

Чиққан қиз чиғирикдан ташқари, деб бежиз айтишмаган экан. Отаси Маликани эри билан яраштиришга бир неча бор ҳаракат қилди. Аммо қўшимча томоқлар керак бўлмагани ва ўртага совуқчилик тушгани сабабли қувёв томон бу ярашувга кўнмади. Улар ажралдилар.

– Малика ота уйига сиғмай икки боласини етаклади-да, шаҳарга иш излаб келди. Лекин бу ерда ҳам унга осон бўлмади. Идиш-товоқ ювувчи ва чой ташувчиликдан бошқасини эплай олмади. Шундай бўлса-да, шу ишни топганига ҳам шукр қилди. Лекин бу маблағ болаларини боқишга ва ижара ҳақини тўлашга етмасди. Ҳеч қаерда ишламайдиган эридан алиментни умид қилмай ҳам қўйганди. Ҳа, у ўз болалари билан меҳр ва эътибордан четда қолганди. Кейин...

Ҳаммаси ижарачи аёлнинг таклифидан бошланди. Бу таклиф – ўша кунги уйга келган, ижарачига таниш эркакнинг кўнглини овлаш ва шу баҳонада пул ишлаб олишдан иборат эди. Малика аввалга бу таклифдан даҳшатга тушди. Аммо хушбичим, кийимлари ўзига ярашган, боз устига, шаҳарликларга хос мулозаматли эркак уни нимаси биландир ўзига тортди.

Хуллас, ҳаммаси ўша тундан бошланди. Малика аввалга эркакнинг иккинчи хотинига айланарман, деб ўйлади. Лекин эркак унинг ёнига фақат кўнглишулик учун келарди. У бу хонадондан қаддини узгач, Малика эркаклар билан муносабат ўткинчи, улардан асосли моддий манфаатдорлик йўлида фойдаланиб қолиш лозим, деган хулосага кела бошлади.

Агар Маликанинг эри бирор касби ёки ҳунари бўлиб, ўз рўзгорини юритиш ва аёлига меҳр беришга қодир бўлганида, қайнона-қайнотаси эса фарзандини уйли қилишдан олдин, уни оила боқишга тайёрлай билшганида, уйларига келган бировнинг фарзандидан камчилик қидиришдан аввал унинг кўникиши ва ўрганиши учун муҳит яратишар эди. Яна Маликанинг ота-онаси қизини бўйи етса, рўзгорни эпласа бўлди, эрга бераверши керак, деб ҳисобламай, унинг бирор касб ёки ҳунари эгаллашига ёрдам беришганида, у нопок йўлга кирмасмиди?..

Демак, гап – ана шу замини яратмасликда, меҳр бериш барибарда, меҳр олиш учун ҳам яратилганини унутмасликда! Қатрагина меҳр олган аёл уни уммонларга айлантириб бера олади. Шу уммонлари билан дунёда мўъжиза яратади...



Шахло АХБОРОВА,  
Республика маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Илғимий маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори (PhD)

## «ТИЛЛА КАРТА» ЭВАЗИГА – ФУҚАРОЛИК

АҚШнинг 47-президенти Дональд Трамп иш бошлаганига кўп бўлмай, қатор ташаббуслари ва мурожаатлари билан жаҳон афкор оммасини шошириб қўйди. Қайсидир давлатни қўшиб ёки сотиб олиш, кўприк номини ўзгартириш, мустақил давлатларга таҳдидлар, халқаро ташкилотлар аъзолигидан чиқиш, хориж маҳсулотлари солиғини ошириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бугун Трампнинг «тилла карта»си ҳақида сўз юритамиз. Бу ҳам давлат газнасини тўлдиршининг бир усули. Мазкур визанинг нархи беш миллион доллар. Бу мамлакатга инвестиция киритмоқчи бўлган хорижликларга мамлакат фуқаролиги расман сотилади, деганидир. Тўлов хорижликка АҚШда яшаш ва ишлаш ҳуқуқини беради ҳамда фуқароликка йўл очади.

Бу янгилик грин карта каби афзалликларга эга. Аммо фуқароликни олишга изн бермайди.

Карта Конгресс тасдигидан ўтгач, ишга тушади, у дунёдаги энг қimmat виза дастури сифатида тарихга кирилади.

«Тилла ҳужжат» 1990 йилда қабул қилинган инвесторларга бериладиган EB-5 иммиграция визаси дастури ўрнини эгаллайди. Мазкур виза чет элликларга камда бир миллион доллар миқдорда ёки мамлакатнинг иқтисодий-ти оғир ҳудудларига 800 миң долларлик сармоя киритиш мажбуриятини юклар эди.

Савдо вазирлиги виза учун мурожаат қилувчилар тўлатқис текширувдан ўтишларини таъкидлайди. Нархи қimmatлигига қарамай, унинг жаҳон бойлари орасида омма-лашиши кутилмоқда.

Тўқтинликни фақат Қўшма Штатларнинг солиқ тизими яратиши мумкин, бу эса фуқароларни мамлакатдан ташқаридаги даромадларидан тўлаган солиқлари учун масъулиятни оширади.

Расмийлар «тилла карта» фарибгарлик йўли билан АҚШга кириб келишларнинг олдини олади, дейишмоқда.

Трамнинг «тилла карта» тўғрисидаги баёноти аввалига барчани ҳаяжонга солгани муқаррар. Чунки «У тадбиркор-да, давлат ишида ҳам касбидан унумли фойдаланмоқчи», деган гаплар урчиган эди. Аслида-чи?

Сармоя визалари дунёда кенг тарқалган. Тахминан юздан зиёд мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Греция, Мальта, Австралия, Канада, Италия сингари давлатлар бойларга «тилла визалар» таклиф қилади.

Европа комиссияси анчадан бери бундай «тилла карталар»дан хавфсизлик нуқтаи назаридан воз кечишга даъват қилиб келади.

Португалия 2023 йилда ўзининг «тилла визаси»ни қайта кўриб чиқиб, тураржой муаммосини ҳал этиш мақсадида кўчмас мулкка сармоя киритишни тўхтатди. Яшашга рухсат берувчи ҳужжат олиш учун чет элликлар энди инвестиция жамғармаларига маблағ киритишлари мумкин.

Испания ҳам йирик миқдорда сармоя киритган хорижликларга ушбу мамлакатда яшаш ҳуқуқини берувчи «тилла виза»дан қайтган. Авваллари камда 500 миң евро маблағни кўчмас мулкка сарфлаган чет эллик уч йил яшаш ва ишлаш ҳуқуқини кўлга киритар эди.

Кипр ҳукумати «Сармоя – паспорт олиш учун имконият» дастурини тўхтатиб, икки йил аввал 222 нафар бадавлат сармоядор ва уларнинг оила аъзоларини фуқароликдан чиқарганди.

Туркияда ҳам кўчмас мулкни сотиб олиш чет элликларга яшаш ва фуқаролик олиш имтиёзларини кафолатлайди. 2023 йил октябрь ойидан эътиборан 200 миң долларлик тураржой сотиб олган чет элликка яшаш учун изн берилади, беш йилдан кейин у фуқароликни олади.

400 миң доллар сармоя тиккан хорижлик ярим йилда Туркия фуқароси бўла олади. Мазкур сармоя дастури мурожаатчининг турмуш ўртоғи ва баалоғатга етмаган фарзандларига ҳам таллуқлидир.



Аброр ХОН

Аёл ўз матонатини кўрсатиш учун ошқора қаҳрамонлик кўрсатиши шарт эмас. Унинг ўз дардини сездирмай, ёрини кулиб кутиб ола билиши, жони оғриётганда ҳам боласининг кўзларига жилмайиб боқшининг ўзи матонат. Тўлғоқ азобини кўтаришининг ўзи матонат!

Севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асаридаги буюк матонат акс этган воқеани эслаб кўринг-а: немислар одамлар устида ўтказган ғайри-инсоний тажрибаларидан бири эди у. Фашистлар қаҳратон қиш палласи музни тешиб, яланғоч асирларни сувга туширадilar ва бўйнигача муздай сувда бўлган одамнинг биллагидан тутиб, соатларига қараганча, музлаётган одамнинг пульсини санаб турадилар. Улар ўша совуқда одам зоти қанча вақтда музлаб ўлиши мумкинлигини аниқлаётган эдилар. Аммо шу мудҳиш тажриба жараёнида уларни бир воқеа ҳайратга солади: муз орасидаги сувга туширилган навбатдаги асир – аёл кишининг белгиланган, аниқроғи, бошқа асирлар музлаб улгурган вақтдан анча кейин ҳам кўзлари очик, юраги эса ҳамон уриб турганди. Чунки ўша дамда аёлнинг нигоҳи совуқда дилдираб турган асирлар сафидаги боласида эди.

## Назмий номалар



Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

### ЮРАКНИНГ ҒАМИ

Ёзувчи ва муҳаррир укам –  
Ҳожиакбар Шайхоева

Ҳожиакбар, сен ажойиб адибсан, кўркам,  
Мафтун этдинг, бизни нузли қаламинга билан.  
Бироқ нега кўрқатасан, муҳаррир укам,  
«Қалб кўзи» «Ликопча»дек елаверсади?

Ҳар саҳифа орасидан девлар кутуриб,  
Инсу жинслар гуж-гуж чиқиб келаверади.  
Хотин эмас, аластлар уйни сугуриб,  
Набиралар «Ликопча»дек елаверади.

Дарпардалар силкинади сирли равишда,  
Газ ўчоқдан чўзилади аждаҳо тили.  
Келининг ҳам одам эмас, ёвуз фаришта,  
Салом берсан «Қор одам»нинг жун боссан қўли.

Жиринлайди ярим тунда телефон ногоҳ –  
У нариги дунёлардан хабар бўлса-я!  
Симёғочда қунишган у куш эмас, арвоҳ,  
Балки ўзага сайёрадан анов ҳамасо?

Улар бизни таъқиб этар, сира тинмасдан,  
Бекорчидай, бошқа қилар ишлари йўқдай.  
Биз ҳам учиб юраандаймиз, ерга қўнмасдан,  
Латиф олам емишидан қорнимиз тўқдай.

Ҳожиакбар, айтаманларим келмасин малол,  
Ушларинга балки дўстдир, ёлми рақиб.  
Нима дейсан, бу гапимга, балки, эҳтимол,  
Улар эмас, биз уларни этармиз таъқиб?

Ҳожиакбар Шайхоева ҳақида эшитгансиз, китобларини ўқигансиз. У ўзбек адабиётида ижод қилган илк фантаст ёзувчилардан. Адибнинг «Рене жумбоғи», «Заҳарли одимлар», «Еттинчи операция», «Ғаройиб кўланка», «Олмос жилоси», «Сўнги аждарнинг ҳалокати», «Ҳаётбахш хаёллар», «Аждодлар хотираси», «Унар дарё», «Мақтал саҳнаси», «Сеҳрли қиз», «Телба дунё», «Жодугарнинг эри» (Фаришта таширфи), «Само меҳваридида намойиш» каби қисса ва ҳикоялари, «Туташ оламлар», «Икки жаҳон овораси» фантастик романлари китобхонларнинг сеvimли асарларига айланган.

Ёзувчи 1990 йилларда «Сирли олам» журнали ҳамда унинг иловаси бўлган «Қалб кўзи» газетасига асос солган. Ушбу нашрлар илмий-фантастик, саргузашт жанрига мўлжалланган бўлиб, ўша вақтда ўзбек матбуотида энг шов-шувли журналлардан бири, ўзига хос янгилик бўлган.

Яқинда ёзувчининг оилавий архивидан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг Ҳожиакбар Шайхоевага ёзган шеърий мактуби ва адибнинг назмий жаъобини олдик.  
Қуйида «Ishonch» муштарийларига ушбу ёзишмаларни тақдим этмоқдамиз:

Балки улар қочиб юрар, биздан ҳар лаҳза,  
Ер юзига ҳар қалай, биз кўпроқ бурчлимиз.  
Бизлар моддий дунё ахир, бизлар бор нарса,  
Билиб қўйгин, биз улардан анча кучлимиз.

Мана битта танишим бор, шунчалар маккор,  
Минг ажинанг қилолмайди, унинг ишини.  
Сўхбатдоши сал анқайса, бермай ҳеч озор,  
Қоқиб олар, оғзидаги бор-йўқ тишини.

Бошқаси-чи қитқилмас, шайтон сингари,  
Лекин гапга бирам чечан, кўлдираверар.  
Қўйиб берсане, оқизади сувни тесқари,  
Фойдасига бўлмаганин бўлдираверар.

Яна бирин билиб бўлмас, ёшим ё кекса,  
Билиб бўлмас, сиңгани Раҳмонин, шайтон.  
Битта кўзи нимадандир дув-дув ёш тўкса,  
Бошқа кўзи нимадандир чарақлар шодон.

Тагин бири қўлларини ўпишга тайёр,  
Номинг сотиб, битказида, ҳар қандай ишни.  
Лойдан ўтгач, унутади барчасин, айёр,  
Ҳатто талаб қила бошлар, пойин артишини.

Булар таъма қўлларидир, лўттибоз ва суқ,  
Хаёлида на Аллоҳ бор, на кўлдираверар.  
Бундайларда наинки кўз, қалбнинг ўзи йўқ,  
Лекин сирга тўлиб кетган, буткул олами.

Ҳожиакбар, жинларини эглаб аслида,  
Муросага келтириш ҳам мумкиндр, ҳатто.  
Лекин шундоқ энганинада инсон шаклида,  
Яшаб юрган иблислардан асрасин, Худо!

25 октябрь, 2001 йил.



Ҳожиакбар ШАЙХОВ

### ХАЙРИХОҚ ОДАМГА ХАЙРИХОҚ КЎНГИЛ

Азиз инсон, Халқ шоири  
Абдулла ОРИПОВга шеърӣ мактуб

Менга шеър атабсиз, минг бора қўллуқ,  
Кўвониб, бу бошим етди фалакка.  
Аммо шоирликка асло даъвом йўқ,  
Бир оғиз илҳин сўз малҳам юракка!

Сиз, ахир биз учун шоири даврон,  
Сўзлар заргарисиз, кўзлар гаваҳари.  
Раисим, бошланғиз бўлсин, соғ-омон,  
Сизсиз, қалам аҳлин доно сарвари.

Тўғри, мухлисисиз «Сирли олам»ни,  
«Қалб кўзи»га ҳам ташлайсиз назар.  
Ундаги жинлардан туюб алман,  
Нокас-ножинлардан қиласиз ҳазар.

Сиз ҳақсиз: инсу жинс, алаести, девлар,  
Биз учун номаълум сирли бир дунё!  
Ичимизда яшар, мунофиқ девлар,  
Инсофли одамни енгиласиз асло!

Дерпарки, иймонни чалғитар гумон,  
Ким иблис отишга минса, йиқилар.  
Булавермас, ҳамма фаришта инсон,  
Улуғ шоир қалби шундан сиқилар.

Ёзувлик қиличин пинҳона қайрар,  
Не-не азиз бошин кесмоқ қасдида.  
Ва лекин эзувлик қуёши порлар,  
Хайрихоқ инсонни севиб аслида!

Бизга ёт чўчитиш ёки кўрқитмоқ,  
Париларга она – Моно Ҳавомиз.  
Билсанғиз, юракдан жинни ҳайдамоқ,  
Қалблар кўзин очмоқ, чин муддаомиз!

■ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА



Жадидлар деганда кўз олдимишга маърифатпарвар, зиёли, диний ва дунёвий билимларни эгаллаган замонасининг илғор намоёндалари келади. Уларнинг ҳаёт йўли маърифат, таълим ва маданият билан ҳамоҳанг бўлиб, ёшлар билим олишлари учун ҳам сармоясини, ҳам илмини сафарбар этган. Шу мақсадда фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очганлар, жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш ниятида газета-журналлар нашр этганлар, ёшларни илғор давлатларга ўқишга юборганлар. Жамиятни илму зиёга чорлаш йўлида жон фидо қилишдан чўчиманганлар.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси талабалари иштирокидаги «Ёруф юлдузлар» мусикали драма-сида эзгу ҳаракатлар саҳнада қайта жонланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг тантаналар залида мазкур спектакль премьераси бўлиб ўтди.

«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир» деган эди улуг жадид бобомиз Абдулла Қодирий. Азиз эл-юрт! Биз асрлар давомида го-фил қолдик, илмдан, маърифатдан орқада қолдик. Бугун эса, янеиланиш вақти келди! Миллат фақат билим ва адолат билан озод бўлади! Инсонга ҳақиқат керак, зулматни ёриб ўтувчи нур керак! Ҳар биримиз ўйна-найлик – биз қай йўлдан бормоқдамиз? Шу ўй илинжида сизга спектаклимизни тақдим этамиз!» деган сўзлар билан бошланди тақ-димот.

Жамоа етти нафар жадиднинг ҳаётидан кичик лавҳалар намойиш этди. Маърифатпарвар боболаримизнинг ўз даври учун прогрессив ғояларни шижоат билан илгари суриш йўлидаги фидойиликлари моҳирона акс эттирилди. Тоғшабинлар ҳар бир эпизодни олқишлар билан кутиб олишди.


# «ЁРУФ ЮЛДУЗЛАР»

МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИ ЯРАТГАН СПЕКТАКЛЬ

– Жадидлар ҳақидаги мусикали драмага талабалар қизиқиш билдириб театримизга келишди, – дейди сценарий муаллифи, режиссёр Тўра Мирзо. – Спектаклни ўзлари ижро этиб, намойиш қилиш истагида эканликларини айтишди. Шундай қилиб, «Ёруф юлдузлар» саҳна асари дунёга келди.

Асар жадидларнинг энг таъсирли ҳаёт лавҳаларини акс эттиради. Улар миллий мустақиллик ғоясига асос солдилар. Шу йўлда ҳатто жонидан воз кечиб, ўлимга тайёр бўдилар. Бир сўз билан айтганда, жадидлар миллатнинг ёрқин юлдузлари эди. Уларнинг оловли ҳаёти ҳар биримизга урнат бўлиши керак.

– Театр студиямиз ташкил топганига кўп бўлгани йўқ, – дейди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси Ёшлар масалалари ва маънавият-маърифат бўлими услубчиси, спектакль бадий раҳбари Навбахор Эшпулатова. – Бироз мураккаб бўлса-да, бу мавзуга кўп уришга жазм этдик. Мен талабаларга Ўз-



бекстон давлати ҳуқуқи ва тарихи фанидан ҳам дарс берганман. Ана шу кезларда жадидлар фаолияти, янги тузумни олиб кириши, янги дунёқарашни шакллантиришда уларнинг роли катта бўлгани ҳақида талабалар билан кўп суҳбатлашганман. Шу боис ёшлар ўзлари бу ғояни илгари суришди. Қолаверса, бу асар билан Театр-талаба студияси кўрик-танловида қатнашишни ҳам мақсад қилдик. Насиб этса, спектаклни танловнинг республика босқичида ҳам намойиш этиб, бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда янада оммалаштиришни режалаштирганмиз. Кичик саҳна асаримиз ёшларга Мустақиллик осонликча қўлга киритилмагани, унинг замирида боболаримизнинг фидокорона ҳаракатлари ётгани ҳақида тушунча беради. Талабалар тайёрларик жараёнларида нафақат уларнинг ҳаётини ўргандилар, балки руҳан, қалбан уларни ҳис қилиб, ҳаёти билан яшадилар.

– «АТСО арт» театр студиямиз томонидан тайёрланган ушбу спектаклда жадидлар тарихи, уларнинг озодликка, Мустақилликка урушларис эришиш, халқ саводини чиқариш ва маърифатини юксалтириш йўлидаги эзгу ҳаракатлари ҳақида сўз боради, – дейди 1-босқич талабаси, асар ҳаммуаллифи Саидкамол Мамасолиев. – Мен спектаклда – Фильмоний, диний арбоб ва Ҳамза ролларини ижро этдим. Улар турли образлар бўлса-да, қалбан миллий бирликка эришиш ишқиди ёнган қаҳрамонлар. Ҳатто Қодирийни сотган ўзбек йигити фақат кўрқув туфайли бу ишга қўл урганидан фарёд чекади. Унинг аламлари, изтиробларини ҳис қилиш оғир.

Қисқаси, биз бу асар орқали инсон маънавияти катта куч экани, саодат илмда, ночорлик эса билимсизликда бўлишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Бугун ёшларни жадидчилик ҳаракати билан ошно қилиш керак. Уларнинг ҳаёти биз учун ибрат ва намунадир.

Гулрухбегим ОДАШБОВА,  
Дийрбек ГАНИЕВ,  
«Ishonch» мухбирлари



«Бу галги киш баҳор фаслидек ўтди чоғи. Аммо «Қишнинг бир кунини қолса ҳам кўрқ!» дегувчи эди боболар. Шундай ҳам бўлди. Баҳор бор таровати билан фаслар алмашинувига киришди. Лекин совуқ кунлар бунга йўл бермади. Аниқроғи, киш бу гўзал дийрдан кетгиси, баҳор ҳам бирор кунини қишга бергиси келмади. Начора, дунё курашлар асосида яралган гўё. Инсоният эса доимо яхшиликларга талпиниб яшайди».

## ЮРТИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСАН, БАҲОР!

Кузда хазонларни: қишда қор парчаларини, ёзда тулпар ва қум уюмларини, баҳорда эса гулларни ҳар томонга сочади.

Қариянинг юзига табассум югурди. «Қандайлигидан қатъи назар, баҳор келибди», дея шивирлади у. Осмонга қаради. Баландларда, қордек оппоқ булутлар остида бир-бирини қува-лаб учаётган қалдирғочларни кўрди. Уларнинг чириқрашидан завқ олди. Бир жуфт мусичаларнинг шохдан шохга сакрашини табассум билан кузатди.

Қария шундай ўйлар билан эшикни очиб, кўчага қадам қўйди. Туни билан тинимсиз ёққан ёмғирдан сўнг осмон тиниклашгандай эди. Қуёшнинг тафти ҳам бошқача туюлди. «Ўлмаган қул баҳорга ҳам етди», деди қария ўзича шивирлаб.

Ховлидаги катта ўрик дарахти кечанига гуллай деб турган эди. Бугун эса қийғос очилибди. Унинг шамолда тўкилган оппоқ гуллари ерда қордек ястаниб ётибди.

Дарвоқе, шамолнинг ҳар фаслда ўз юмуши бор.

Кўп ўтмай, осмондан турналарнинг «қур-қури» эшитилди. Қария товуш келган томонга боқди. Турналар кўкда турли шакллар ҳосил қилиб, учиб борарди. Қариянинг юраги яна қувончдан энтикди. Турналар пастлаб-ушган йили юрда арзончилик бўлади, дейишади. Боғлар, далалар серхосил, халқнинг ризиқи бутун бўлади. Боғбон ва деҳқоннинг иши бароридан келса, халқ тўқ яшайди, юрт ободлашади.

Кўни-қўшиллар ўз юмуши билан банд. Ким-

дир ниҳол экяпти, кимдир ариқларни тозалаяпти, бошқаси даракларни оқлаяпти. Қизлар-келиндар кўча-ҳовлиларни су-пуриб, сув сепаяпти. Ҳар томонда саранжом-сарришталик. Варрак учир-ришга югурган болаларнинг шўх-шодон кулги-лари оламни тутлади.

Аллақачон Наврўз таомлари – сумалак, ҳалим тайёрлаш бошланиб кетган. Қўшиллар бу каби ишларда анча чаққон. Ёшлар кекса отахону онахонлардан Наврўз таом-лари тайёрлаш сир-асрорларини зийраклик билан ўрганиб олиш пайида.

Қария бир олам завқ билан ҳовлига кирди. Шу заҳотиёқ димоғида тан-дирда ёпилган кўк сомса исини туйди. Набиралари шовқин солиб, дунёни бошларига кўтаргудек бўлиб, чор тарафга чопи-шарди. Ҳовлида очила бошлаган турли гуллар эса кўзни қувнатарди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси куклам келганидан дарак берарди.

Юртимизга хуш келибсан, БАҲОР!  
Асрор СУЛАЙМОНОВ

Мақтабимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши ходимлари, фаоллари, фахрийлари, зиёлилар ва ёшлар иштирок этишди. Тадбирда дастлаб Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Сўнгра иштирокчилар шоира ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи музейни кўздан кечиришди. Ижод мактаби ўқувчиларининг жадид боболаримиз ҳақидаги ҳикоялари барчага манзур бўлди.



## ШАРҚ ТАРИХИ ЯШАЁТГАН ЗАМИН

«Шохи зинда» мақбараси бўлди. «Тирик шох» деб ном олган бу мақбара ҳақида бобо-буваларимиздан турли афсоналар, ривоятлар эшитганмиз. Бу даргоҳ «Самарқанд марвариди» деб ҳам аталар экан. Мовий гўмбазлар остида пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччалари Қўсам ибн Аббоснинг қабри бўлиб, қурилиш тарихи, услуби ва қадр-қиммати билан му-сулмон халқлари орасида ўзига хос юқори мавқега эга. Зиёрат жараё-нида бошқа дин ва илм даргалари ҳақида ҳам қизиқ ҳикоялар билан та-нишдик.

шимча маълумотлар орқали тарих ил-мини қанча ўқиган бўлмайлик, «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» экан.


Саёҳат давомида қадамимиз этган жамики қадамжолар юрагимда азим Афросиёбнинг қад ростлашига сабаб бўлди. Регистон, Боқий шаҳар, Ҳожи Дониёр мақбараси, Улуғбек мадраса-си, Бибиҳоним жомеъ масжиди ва яна бир қатор эътиборга молик жойлар...

Буюк ва ҳайбатли гўмбазлар остида истеъдодли юраклар бир-лашди. Асрлар мобайнида юксалиб бораётган маданий ҳазинадан бирга-ликда баҳраманд бўлишди.

Бизга кўҳна ва янги дунёни таниш учун хизмат қилган ташкилотчилардан миннатдормиз. Дубай, Лондон, Париж каби манзиллар сари қилишдан олдин, аввало, бутун Шарқ тарихи яшаётган заминга, мозийга қайтмоқ лозим экан.

Дилноза ЖАББОРОВА,  
Ҳалима Худойбердиева  
номидаги ижод мактабининг  
11-синф ўқувчиси

Азиз газетхон!  
**Мароқли дам олинг!**



Олмаҳон Ҳайитова ижросида

«Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» дostonидан

«НАЙЛАЙН» қўшиғи

Ақча келин ғамсиз бошим ғамхона бўлди, найлайин,  
Бир сўз билан ошно ёрм бегона бўлди, найлайин,  
Мен келдим ёрни сўроқлаб, юрагимни ўтда доғлаб,  
Ул қочди мендан йироқлаб, равона бўлди, найлайин.

Комилжон Отаниёзов мусикаси

**MUASSIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raoam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullu AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan EMRATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69; Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89; Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79; Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43; Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20; Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23; Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31; Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12; Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34; Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66; Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26; Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55; Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70; Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44; Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24; Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01; Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: G. Mirahmedov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 02:00; Topshirildi – 02:30

Bahosi kelishilgan narxda

Kanallar: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 32 463 ta

Shunday: 6 275 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 277 nusxasi

«Erudiv» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 914 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib berilishini uchun obunani rasmiy laqablangan tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma tabaq. Bayramta 172

1 2 3 4 5 6